

55 - وَعَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَدِمَ عُيَيْنَةُ بْنُ حَصْنٍ فَنَزَلَ عَلَى ابْنِ أَخِيهِ الْحَسْرِ بْنِ قَيْسٍ، كَانَ مِنَ النَّفَرِ الَّذِينَ يُدْنِيْهِمْ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، كَانَ الْقُرَاءُ أَصْحَابَ مَجْلِسِ عُمَرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَمُشَاوِرَتِهِ، كُهُولًا كَانُوا أَوْ شُبَانًا، فَقَالَ عُيَيْنَةُ لِابْنِ أَخِيهِ: يَا ابْنَ أَخِيهِ؛ لَكَ وَجْهٌ عِنْدَ هَذَا الْأَمِيرِ فَاسْتَأْذِنْ لِي عَلَيْهِ، فَاسْتَأْذَنَ، فَأَذِنَ لَهُ عُمَرُ. فَلَمَّا دَخَلَ قَالَ: هِيَ يَا ابْنَ الْخَطَّابِ، فَوَاللَّهِ مَا تَعْطِينَا الْجُزْلَ، وَلَا تَحْكُمُ فِينَا بِالْعَدْلِ، فَعَصَبَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حَتَّى هَمَ أَنْ يُوقَعُ بِهِ. فَقَالَ لَهُ الْحَسْرُ: يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ؛ إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَالَ لِنَبِيِّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: {حُذِّرْ الْعَفْوَ وَأَمْرُ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِيَّنَ} [سورة الأعراف: 198] وَإِنَّ هَذَا مِنَ الْجَاهِلِيَّنَ، وَاللَّهُ؛ مَا جَاءَكُمْ هَا عُمَرُ حِينَ تَلَاهَا، كَانَ وَقَّافًا عِنْدَ كِتَابِ اللَّهِ تَعَالَى. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [4642].

55. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Уяйна ибн Ҳисн келиб, жияни Ҳурр ибн Қайснинг уйига тушди. У Умар ўзига яқин тутадиган кишилардан эди, чунки қорилар қари бўлсин, ёш бўлсин, Умарнинг мажлису машварат аъзолари эдилар. Уяйна жиянига: «Эй жиян, бу амирнинг олдида эътиборинг бор, хузурига мен учун изн сўраб берсанг?» деди. У Уяйна учун изн сўради. Умар унга изн берди. У унинг олдига кириб, «Хой Ибн Хаттоб! Аллоҳга қасамки, бизга тўкин-сочин қилиб бермаяпсан, орамизда адолат билан ҳукм қилмаяпсан!» деди. Умар ғазабланиб кетди, ҳатто унга хезланди ҳам. Шунда Ҳурр: «Эй мўминларнинг амири, Аллоҳ таоло йўз Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламга: **«Кечиримли бўл, маъруфга буюр ва жоҳиллардан юз ўгир»**, деган.<sup>[1]</sup> Бу ҳам жоҳиллардан-да», деди. Аллоҳга қасамки, у Умарга буни тиловат қилган пайт (Умар) бунга бепарво бўлмади. У Аллоҳнинг Китоби олдида таққа тўхтайдиган киши эди».

Ином Бухорий ривоятлари.

**Шарҳ:** Тафсиру Саълабийда келади.

Жаъфар Содиқ: «Қуръонда гўзал ахлоқни жамлаган **«Кечиримли бўл, маъруфга буюр ва жоҳиллардан юз ўғир»** оят каби бошқа бирор оят йўқдир», деб айтганлар.

Энг муҳим ахлоқлар уч турга бўлинади.

1. Ақлга оид. 2. Шаҳватга оид. 3. Фазабга оид.

Ҳар бир ахлоқнинг ўртачаси фазилатdir. Ақлники ҳикмат бўлиб, амру маъруф ва наҳий мункар шулар жумласидандир.

Шаҳватники иффат бўлиб, кечиримли бўлишдир.

Фазабники шиҷоат бўлиб, жоҳиллардан юз ўгиришдир.

Ушбу ҳадисда бир қанча фойдалар бор. Улардан:

- Одамларни ўз жойига ўтқизиш.
- Олим кишини ёши кичик бўлгани учун ҳақир санамаслик. Юқори мартаба илм ва тақвода бўлади. Фазл Аллоҳнинг қўлидадир, уни хоҳлаган кишисига беради.
- Тажрибалик арбоблар билан маслаҳат қилиш фазилати.
- Имом ва бошлиқ кишилар уламо ва зоҳидларни мажлисига жалб қилиши. Умар ибн Хаттоб камолот берилгани учун жоҳилларга аралашиб юрмадилар. Мажлислариға олим ва зоҳидларни тўпладилар.
- Фазабни ичга ютиш, сабр ва жоҳиллардан йироқ туриш.
- Аллоҳнинг китоби қаршисида тўхташ, гарчи нафсга ёқмаса ҳам.

---

[1] Аъроф сураси, 199-оят.



NUBUVVAT MARVARIDLARI